



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 14-dekabr • №50 (4189)

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қахрамони, Халқ шоири

## ВАТАН ОБОД — КЎНГИЛ ОБОД

Халқимиз бирор жой обод бўлса, у жойни "ободон" деб атайди. Ёхуд бунёдкорлик, яратувчилик шарофати билан қиёфаси ўзгарган жой номига "обод" сўзини қўшиб, Янгубод, Элобод, Нуробод, Меҳробод каби атамаalar билан номлаш ҳам қадим-қадимдан давом этиб келаётган бебаҳо қадриятларимиздан биридир.

Юртни, мамлакатни обод ҳолда кўриш асрлар мобайнида халқимизнинг улуг сиймолари учун беқийс орзу ва армон бўлиб келди. Ўз даврида ўз маблаглари ҳисобидан эл-юрт манфаати учун қанчадан-қанча рабату мадрасалар, шифохоналар қурдирган, не-не ўқсик кўнгилларни обод айлаган ҳазрат Навоий бобомиз ўзининг "Вақфия" асарига мана шундай деганлари ҳам асло бежиз эмасдир:

То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,  
То нафсу ҳаво ўти барафтод ўлмас.  
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Аллоҳга шукрки, халқимиз истибоддан исқанжаларидан кутулиб, буюк аждодлардан мерос улуг мамлакатни обод этишга бел боғлаганига салкам чорак аср бўлаётир. Шу даврда Ўзбекистоннинг фақат пойтахтигина эмас, барча йирик шаҳарлари, ҳатто энг чекка қишлоқлари ҳам мисли кўрилмаган даражада ўзгариб, чинакам ободонликка юз тугганидан бугун хоржодаги ашаддий муҳолифларимиз ҳам эътироф этмасдан илоҳи йўқ. Озодлик мамлакатимизга ободликни ҳам тухфа этдики, бу жараённинг шохиди бўлиб, янги муҳташам саройлар, спорт иншоотлари, йўл ва кўприклар, бутунлай янги меъморий қиёфадаги турар жойларни кўриб, уларда умргузаронлик қилаётган, ўғил-қизлари тўйларини ўтказиб, одамларнинг бахти ҳар жиҳатдан тўқис эканига иймон келтирасиз.

Ҳа, истиқлол қадим юртимизга озодлик бахш айлаган бўлса, руҳи, онги, тафаккури эркин халқ ўз юртини қандай обод қила билишини ҳам худдасидан чиқайтир. Утган 22 йилнинг оддийгина сарҳисоби ҳам ҳар қадамда шундан далолат бериб турибди. Ҳар бири миллий тарққибатга таянч бўлаётган янги иншоотлар, буюк келажакка, порлоқ истиқболга йўл очаётган бунёдкорликлар шундан нишон эмасми?!

Юртбошимиз ҳар бир янги йилнинг остонасида келгуси ишларимизга муай-

ян йўналиш бериш учун келаётган йилмишни қандай номлаш ҳақида ўз тақлифини илгари сурар экан, энг аввало, мамлакат ва халқ ҳаётида эришилган натижалар, истиқболда кўзланган режалар, муайян эҳтиёжлар ва мамлакат куч-қудрати, халқимиз иродасидан келиб чиқиб энг муҳим масалани ўртага ташлайди. Кириб келаётган йилмишни "Обод турмуш йили" деб номланаётган бўлса-да, аслида биз Юртбошимиз раҳнамолигида турмушимиз, ҳаётимизни, элимиз кўнглини обод қилишни мустақиллик учун чинакам кураш бошланган ўтган аср саксонинчи йилларининг охиридаёқ бошлаб юборгандик. Энг аввало, шўро даврида камситилган, расмий истеъмолдан чиқиб қолган она тилимизга давлат тили макомининг берилиши элу юрт кўнглини, нафақат кўнгли, қалбидаги гурур ва ифтихорни ҳам обод этиш сифатида кутиб олингани ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Ана ўша кунлардан бошланган ҳар жиҳатдан обод ва кўркем бўлишга интилиш туйғуси бизни миллат сифатида жаҳондаги энг ривожланган халқлар ва мамлакатлар сафига олиб чиққанини бугун ҳаммамиз кўриб, билиб, шукрона айтиб турибмиз.

Ўйлаб кўринг, "Мустаҳкам оила йили"да қанчадан-қанча эзу ишлар рўёбга чиқди. Оиланинг қадрини кўтариш, халқимизнинг бу борада асрлар синовидан ўтган тажрибаю қадриятларини эъозлаш, уларни ёшлар онгига синдириш, ёш оилалар учун турар жойлар, маданий-маърифий иншоотлар қуриш — буларнинг ҳаммаси юртимиз, халқимиз кўнглини нечоғли обод этган бўлса, "Мустаҳкам оила йили"нинг мантқий давоми бўлган "Обод турмуш йили"да ҳам олдимизда жуда катта вазибалар турибди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Юртбошимиз бу хусусда сўзлаб, шундай дея таъкидлади: "Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар,

бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади".

Модомики шундай экан, инсон фарзанди учун ўз уйи, ўз юрти, ўз Ватанини обод қилишга муносиб ҳисса қўшишдан ҳам ортиқ бахт йўқ! Биз эса не-не улуг аждодларнинг, не-не буюк салтанатлар барпо этган улуг саркардаларнинг, ўз ақлу тафаккури билан жаҳон фанини бойитган улуг алломаларнинг, буюк тамаддунлар яратган халқнинг фарзандларимиз. Ўз юртини, маҳалласини, яшаётган кўчасини обод қилиб, ҳазрат Навоий бобомиз айтганларидек, бир қалби шикаста одамнинг кўнглини кўтариб Каъбани обод айлаш билан баробар савоб олишга қодир миллатнинг фарзандлари эканми, ободлик Ватанимизга ҳар жиҳатдан муносибдир.

Юртбошимиз ўз маърузасида "Ободлик кўнглидан бошланади" деган иборанинг эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалгани ва одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бунда жуда катта ҳикмат мужассам. Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг кўнгли илм билан, зако билан, меҳроқибат, инсонийлик каби фазилатлар билан обод. Мана шундай фазилатларга эга инсон ўз ҳаётини ҳам, оиласини ҳам, эл-юрт олдидаги фарзандлик бурчини ҳам адо этишга қодир. Ижод аҳли эса ўз асарлари билан одамлар кўнглидаги мана шу туйғуларни эъоз этиб асраб-авайлашга ва янада кучайтиришга, инсон руҳиятини поклаб, маънавиятни юксалтиришга даъват этилган. Биз самимий, оташин сўзимиз, бадий юксак асарларимиз билан Ватани ҳам, одамлар кўнглини ҳам обод этишга бурчлимиз.

Зеро, юртини севган, уни обод қилишга ўзини бурчдор ҳисоблаган, ҳаёти тинч, оиласи мустаҳкам, қалби шукронага бисёр одамларнинг ҳамиша қадами қўлғудир.



Тоғларга қор тушди. Фото: тўд.

### 2013 йил — Обод турмуш йили

Ҳар бир театр актёри режиссёр бўлишни орзу қилиши сир эмас. Спектаклда рол ўзро этиш каби уни яхлит санъат асари сифатида саҳнага қўйиш ҳам ижодкорга завқ бағишлайди. Тўри, тажрибали актёрлар вақт ўтиши билан режиссурага қўл уриши анъанага

айланган. Бироқ бу амалиёт ҳамиша ҳам муваффақиятли натижа бермайди. Негаки, режиссёр бўлиш учун ижодкордан алоҳида истеъдод, жамоага етакчилик қила билиш қобилияти талаб этилади. Шу тўғрисида ўз даврида қўлаб буюк актёрлар режиссурага бўлган муҳаббатидан воз кечишга мажбур бўлишган.

## САҲНА ВА ИЖОД МАСЪУЛИЯТИ



Ростини айтганда, мен ҳам ижодимни дастлаб актёр сифатида бошлаганман. Режиссёр бўлиш иштиёқи ҳамиша юрагимда яшаган бўлса-да, бу тақдиримга айланиши мумкинлиги ҳақида ўйламаган эдим. Кейинчалик машҳур актёр Убайдулла Омон билан ижодий ҳамкорлик бу иштиёқимни янада кучайтирди. Режиссёрлик сирларини эгаллашимда таниқли режиссёр, устозим Валижон Умаровнинг ҳам катта хизмати бор.

Интилган киши бир кун, албатта, ўз мақсадига эришадди, деганлари рост экан. 2006 йили Бухора вилоят мусиқали драма театрига саҳналаштирувчи режиссёр сифатида

ишга қабул қилиндим. Очигини айтганда, дастлабки пайтлар ўзимни бироз ноқулай ҳис қилдим. Санъат институтининг режиссура бўлимида ўқиган йилларимда Миллий академик драма театрида икки йил тажриба оширганман. Ушбу театрнинг ижодий имкониятлари, айниқса, замонавий саҳнасини кўриб ҳавасим келган. Қани энди, Бухорода ҳам ана шундай муҳташам санъат даргоҳи бунёд этилса деган орзу ҳаёлимдан ўтган. Чунки ўша пайтда Бухоро театри эски бир бинода фаолият юритарди. Режиссёр ва актёрлар четда турсин, томошабинлар учун ҳам етарли шарт-шароитлар йўқ эди.

Давоми олтинчи саҳифада.

## ЗАМОН, ЭСТРАДА, МАЪНАВИЯТ

Замонавий эстрада санъатида юз бераётган жараёнлар бугун ҳеч бир санъат илосмандини берақ қолдирмаслиги аниқ. Айниқса, ўзбек хонандаларининг бу йўналишдаги ижоди, яратилаётган кўп сонли кўшиқлар савиясию ёш ижрочиларнинг бадий маҳорати доимо эътиборда. Кун кеча "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатиди ҳам миллий эстрада санъатининг тарққиёти, унинг замонавий қиёфаси ҳақида сўз юритилди.

"Эстрада санъати: ютуқ ва камчиликлар" мавзусида ўтказилган тадбир очик мулоқот



Ўз мухбиримиз

### ОБУНА — 2013

Азиз газетхон!  
Севимли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га  
2013 йил учун обуна давом этмоқда.  
Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлиmlари,  
«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг алоқа бўлиmlари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилди.  
Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин.  
Хурматан муштарфи, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.  
Нашр кўрсаткичимиз — 222.



### ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНДИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ёш истеъдодлар учун таъсис этилган "Нихол" мукофоти миллий мусиқа санъатимизни янада юксалтириш, ғоявий-бадий теран асарлар яратиш, ёш истеъдодларни аниқлаб, қўллаб-қувватлаш ва муносиб рағбатлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилда мазкур мукофот учун ўтказилаётган танловнинг Сурхондарё вилояти шаҳар ва туман саралаш босқичларида 800 нафардан ортиқ ёш ижрочилар эстрада, опера, мусиқа, рақс санъати ва мумтоз кўшиқчилик йўналишларида ўзаро беллашди. Улардан қарийб 50 нафари вилоят босқичида ўз маҳоратини намойиш этди. Номзодларнинг ижрочилик маҳорати тажрибали бастакор, санъаткор ва мусиқашунослар томонидан қатъий мезонлар асосида баҳоланди.

Мумтоз кўшиқчилик йўналишида иштирок этдим, — дейди Бойсун маданият уйи ёш хонандаси Улуғбек Хурсандов. — Ижром яхши баҳоланганидан қувончим чексиз. Мазкур танлов биз, ёшларни янада кўпроқ изланишга, янги марраларни забт этишга ундамоқда.

Тадбир якунида ҳар бир номинация бўйича голиблар аниқланиб, уларга диплом ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлнамалар топширилди.



Ўза







Маннон Уйгур номидаги Сурхондарё вилоят мусикали драма театри ўз анъаналарига эга бўлган санъат даргоҳларидан бири. Жамоа истиқлол йилларида бадий бакуват, сермазун спектакллар яратиш йўлида муайян натижаларга эришмоқда. Театрнинг бадий раҳбари, Ўзбекистон санъат арбоби Мансур Равшановнинг сазой-ҳаракати билан ижодий жамоанинг бадий қиёфаси қайтадан кашф этилди. Саҳналаштирилган асарлар нафақат вилоят, балки пойтахт томошабинларини ҳам бефарқ қолдирмади.

Театр саҳнасида яратилаётган асарларда инсон ва унинг қисмати, ор-номус, қадр-қиммат, муҳаббат, қадимий анъаналар ва ота-боболаримиздан мерос қолган урф-одатлар пухта бадий талқин этилмоқда. Театр репертуаридан Х.Хурсановнинг «Жуфт-жуфт лайлаклар», «Шижоат», «Қайсар чолнинг қилиги», «Дард кўрмаган эрка болам», У.Азимнинг «Туғилган кун», Ш.Ризаевнинг «Она», М.Бобоевнинг «Кўнгираклар сандоси», Дельмарининг «Ғариблар», Т.Маҳмудов ва Д.Маҳмудованин «Жаннат излаб», Э.Норсафарнинг «Ташна қалблар», Т.Маликнинг «Алвидо, болалик» (Заҳарли томчилар), Н.Парданин «Адиб Собир Термизий», Э.Солиеванин «Маккора» каби жанр ва мавзу жиҳатидан турлича бўлган асарлар ўрин олган. Уларнинг барчасида инсоний қадр-қиймат, ор-номус масалалари ўртага ташланади. М.Равшанов Х.Хурсанов-

лайлаклар тимсолида меҳроқибатли, садоқатли, жуфти ҳалоли билан бахтли яшагача аҳд қилган одамлар қиёфаси намойиш бўлади. Спектакл томошавийлигини таъминлашда Ўзбекистон халқ артисти Гулнора Равшанова ижросидаги Зулфия момо обарзи асосий ўрин тутди. Актриса қахрамонини мулоим, ўрни келганда ҳазилга мойил, мулоҳазали, гурурли, андишали ўзбек аёли сифати-

саналиб келган. Асар қахрамони Мохира (Д.Юнусалиева)нинг отаси тadbиркорлик қилиш учун таниш кимсадан йирик миқдорда қарз олади ва пулларни ўз вақтида қайтаролмай ҳаловатидан айрилади. Қарз берган «бизнесмен»нинг қистови ва таъқиб тўғриси отанин ахволи оғирлашиб, шифохонага тушади. Бир қарашда асарда мантиқан ўзини оқламаган жиҳатлар кўзга ташланади. Аммо режиссёрлар актёрларнинг ижро

бўлган умр», «Оловли халқа», «Шижоат» спектакларида диний ақидапарастлар тузоғига илиниб, қўп савдоларни бошидан кечирган одамлар образини таъсирчан гавдалантириб, томошабинлар эътиборини қозонган Ф.Болтаевнинг бу спектаклдаги роли актёрнинг профессионал жиҳатдан ўсиб бораётганини кўрсатади. Актёр образини ички дунёсини тадқиқ қилиш йўлидан боради.

Вилоят театрларида

Унинг бу ниятини яхши англаган режиссёр она ва ўғил образининг бадий ечими орқали томошабинни чуқур ўйлантирадиган, эмоционал туйғуларга бой кескин драматик кўринишларни намойиш этади.

Спектакл сўнггида Она бутун вужуди билан кўнгирак чалади. Унинг кўнгираги спектаклдаги барча оналар қўшилади. Ва бу оналарнинг инсониятини оғоҳлантирувчи бонги бўлиб янғиради. Оналар бу бонг орқали дунё халқларини терроризм баласидан оғоҳ этаётгандек бўлади. Айниқса саҳна ортида ер шарининг айланган турган тасвири ва бу тасвириларда терроризм инсоният бошига ёғдираётган қонли воқеаларнинг саҳна воқеаларига мос тарзда намойиш бўлиб туриши асар руҳини кучайтиради.

Томоша жараёнида Раҳнамо (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кудрат Бурханов) ва Шоир (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Чоршанба Чориев) образлари ҳамда замондошлар (актёрлар – Йўлдош Мирқурбонов, Бозор Рамазанов, Марат Шарипов, Расул Раҳматов, Аббос Жумаев)нинг олам, одам, она ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, яъни томошабин билан мулоқотлари асар моҳиятини очиб беради.

Бироқ ушбу спектаклнинг баъзи саҳналарида замондошлар (драмада ровийлар деб берилган) мулоқоти асосида ва чўзиб юборилган. Актёрлар ижросида орқали эътибор кўзга ташланади. Воқеалар жараёнида саҳнанин орт кўринишида иштирокчиларнинг кириб-чиқиб туриши, шовқин-сурон томошабинларни чалғитади. Айрим кинохроник лавҳалар ҳам спектаклнинг ижодий тўқимасига табиий қўшилиб кетгани сезилади. Энг муҳими, спектакл хотимасини жиддий ўйлаб кўриш лозим. Сабаби, фарзандининг қотили бўлиш ўзбек онаси учун буткул ёт ҳолат. Бу жараён томошабинларда турли мунозараларга сабаб бўлиши мумкин.

Муҳими, театри жамоаси мазкур спектакл орқали муқаддас замин ва унда яшаётган инсонларнинг қадр-қиммати ҳар нарсадан улғу эканини бадий образларда ишонарли очиб бера олган.

Фахридин АБДУВОХИДОВ, театршунос

МЕЪМОР ВА ОЛИМ

Юртимизда меъморчилик санъати анъаналари қадимдан ривожланиб келган. Буни улувдорликда Миср эҳромларию гўзалиқда афсонавий Бобил осма боғларидан қолишмайдиغان Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларидаги бетакрор архитектура ансамбллари мисолида ҳам кўриш мумкин. Шўро тузуми ҳукмронлик қилган даврда ўз ҳолига ташлаб қўйилган бу меъморий обидалар истиқлол йилларида қайтадан тикланиб, Регистон меъморий ансамбли, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳасани Имом сингари кўлаб мажмуа ва ёдгориликлар янгича кўрк очди. Айниқса, теурийлар даврида бунёд этилган дурдона обидаларнинг салобатли қиёфаси юртдошларимиз қатори хорижлик сайёҳларини ҳам ҳайратга солмоқда.



Маълумки, ҳар бир меъморий обида ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ифода этувчи ўзига хос тарихий ёдгорлик саналади. Аммо бинолар вақт ўтиши билан турли ўзгаришларга учраши, бўзилиб кетиши ёки аксинча қайта қурилиши мумкин. Баъзи ёдгорликлар эса фақат археологик қазималар орқалигина аниқланиб, тикланади.

Яхшилар ёди

Уларнинг асл ҳолатини, меъморий услубларини аниқлаш тadbиркорликдан чуқур билим, тажриба ва кенг дунёқараши талаб этади. Бу соҳада шундай олимларимиз яшаб ўтганки, уларнинг ижодий фаолиятида соҳанин ютуқ ва муаммолари кўзгудагидек акс этиб туради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор, архитектура бўйича фан доктори Пўлат Зоҳидов ана шундай ўз соҳасининг зукко билимдонларидан эди.

Олимнинг ярим асрдан ортқ илмий-педагогик ва амалий фаолияти юртимиз меъморчилиги тарихи фаниннинг яратилиши, шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Ўзбек меъморчилиги тарихи асосчиларидан бўлган олимнинг илмий ижоди, айниқса, таъмиршунослик соҳасида иш олиб бораётган мутахассислар учун қимматли манабариди.

П.Зоҳидовнинг инженер-архитектор сифатидаги фаолияти пойтахтимиздаги меъморий ёдгорликларини илмий-мувоҳизлаш устанонасида бошланган. Ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ олимнинг илк илмий асарлари чоп этила бошлади. Эътиборли жиҳати, олимнинг икки юздан ортқ китоб, рисола ва мақолаларининг қарийб барчаси меъмор усталар ижодида бағишланган эди. Дастлабки йирик илмий асарларида XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган самарқандлик машҳур уста-меъмор Абдуқодир Боқиев ижоди ҳақида сўз юритилади. П.Зоҳидов олиб борган тadbиркорлар орасида Марказий Осиё меъморий обидаларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий ишлар алоҳида ўрин эга. Уларда меъморий обидаларни асраш ва таъмирлаш бора-

сидаги кўлаб қимматли тadbиркорлар жамланган. Айниқса, теурийлар даври меъморчилигини ўрганиш устоз ижодида катта аҳамият эга бўлди. Самарқанддаги Ишратхона биноси, Амир Теуур жоме масжиди, Бибиҳоним мадрасаси, Шаҳрисабздаги Оксарой каби дурдона обидалар ҳақидаги асарлар узоқ йиллар давомида меъморчилик соҳасида илмий мунозараларга сабаб бўлиб келган муаммоларнинг ечимини топишга имкон берди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўзбек олимлари учун дунёнинг турли мамлакатларида аждодларимиз томонидан яратилган жаҳоншумул обидаларни ўрганиш борасида кенг йўл очилди. Жумладан, буюк боболаримиз яратган меъморий иншоотларни, уларнинг бу соҳада эришган ютуқларини ўрганиш мақсадида Пўлат Зоҳидов каби тadbиркорчи олимлар Афғонистонда ижодий сафарда бўлиб, Қобулдаги Боги Бобур ёдгорлиги, Хиротдаги Алишер Навоий ва Хусайн Байқор мақбараларида изланиш олиб борди. Олим Боги Бобур мажмуасини қайта тиклаш, шунингдек Навоий мақбараси таъмирининг илмий асосланган лойиҳаларини ишлаб чиқишга ҳам салмоқли ҳисса қўшди.

1987-1994 йиллар мобайнида олим педагогик билан шуғулланиб, меъморчилик тарихининг махсус маърузалар тўпламини яратди. Меъморий ёдгорликларни таъмирлаш бўйича кўлаб илмий ишларга раҳбарлик қилди. Уқув қўлланмалар, методик йўриқномалар тайёрлаб, кенг қўламли илмий-педагогик ишларни олиб борди. Олимнинг «Меъмор санъати», «Заб ичра зийнат», «Меъмор олами» каби китоблари бутун кунда соҳа мутахассислари учун дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, устознинг ёдгорликларни ўрганишга илмий ёндашуви, мантикий таҳлил қилиш ва ҳулосаларни асослаш усуллари ёш мутахассислар учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

Абдужаббор ЯХЎЕВ



«Маккора» спектаклидан лавҳа.

нинг «Кампир топайми, дада-жон?» асарини «Жуфт-жуфт лайлаклар» номи остида қайта саҳналаштириб томошанин янгича талқинини тақдим этди. Асосийси, спектаклнинг янги талқинида Жума бобо (Х.Насриддинов) ёлғизликдан қийналган кимса сифатида эмас, аксинча ташландиқ ерларни ўзлаштириб ҳосилдор бог яратиб, Ватан ва жамят равнақи-га ўз хиссасини қўшаётган тadbиркор инсон сифатида намойиш бўлади. Асар комедия жанрида саҳналаштирилган. Режиссёр тиниб-тинчимас, содда, ор-номусли одамлар турмуш тарзини фольклор-этнографик куй-қўшиқларга ҳамоҳанг тарзда кўрсатиб беришга эришади. М.Равшанов режиссурасига хос пухта ечим ушбу спектаклда ҳам қироили ифода топган. Асар воқеалари бўлиб ўтадиган кўркем, мевали богни режиссёр Ватанга қиёс этади. Бог узра жуфт-жуфт бўлишиб уя қурган, бир-бирига талпинган

рона билан яшаган, юртга тинчлик тилаган нуроний аёл қиёфаси гавдаланади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Йўлдош Мирқурбонов, Марям Маҳмудова, Чоршанба Чориев, истеъдодли ёш актёр Фарход Болтаев яратган турли характер ва тақдирли одамлар қиёфаси ҳам томошабинларни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, Ш.Ризаевнинг «Она» драмасида кўзи қонга тўлган, манқуртга айланган улгурган, қалбини инсоний туйғулган тарк этган жананча ўғил қиёфасини юксак маҳорат билан яратган Ф.Болтаев мазкур спектаклдаги Собир ижроси билан драма жанрида ҳам бой тажрибага тўплаганини исботлади.

М.Равшанов ва Р.Маматалиев томонидан саҳналаштирилган «Маккора» асарига бугунги куннинг долзарб муаммолари ўртага ташланади. Азал-азалдан судхўрлик, бировнинг ҳақиға хиёнат қилиш халқимизда гуноҳ

талқини орқали спектакл мушофақиятини таъминлашга эришганлар.

Бинобарин, спектаклнинг томошавийлиги ва таъсир кўчини ижоддаги профессионаллик белгилайди. Асарда илгари сурилган гоё ва мақсад актёрлар Р.Раҳматов ва Д.Юнусалиева ижросида тўлиқ намойиш бўлади. Томошанин бадий талқинида ночорлик сезилмайди, аксинча саҳна беазагидаги ўзига хослик, мусиқа, суратлар, либослар, декорациядаги шартлилик спектаклни янада бойитган.

Ўғил образини Фарход Болтаев талқин этган. У ўз қахрамонини террорчилар таъсирида қалбини инсоний туйғулган буткул тарк этган кимса қиёфасида кўрсатиб беради. «Ҳазон

режиссёрлик иши», «Энг оригинал сценарий» каби йўналишларда кураш олиб боришни режалаштиришган. Эслатиб ўтамиз: «Оскар» мукофотида даъвогарлик қилувчи филмлар рўйхати 2013 йилнинг 15 январ кунин эълон қилинади.

ҚАДИМИЙ ИБОДАТХОНА

Қарақалла термалари антиқ давр меъморчилигининг юксак намуналаридан бири сифатида машҳур. Ушбу обида миллиодий III асрда Рим императори Қарақалла буйруғига кўра қурилган бўлиб, мураккаб меъморий ечимлари билан ажралиб туради. Тadbиркорлар шуни кўрсатмоқдаки, Қарақалла термалари узоқ вақт давомида ибодатхона вазифасини ҳам бажарган. 1912 йили бу ерда қазимша ишларини олиб борган археологлар ёдгорлик остиди мураккаб ер ости йўллариининг тизимини аниқлашга муваффақ бўлишди.

Қизиқарли томони шундаки, тadbиркорлар натижасида бу ерда зардуштийлик динига оид бўлган Митра ибодатхонаси мавжуд экани тасдиқланди. Зардуштийлик маълум бир даврда Италияда кенг тарқалган динлардан бири бўлган. Тарихий маълумотлар қараганда Рим шаҳрида саксонга яқин Митра ибодатхоналари фаолият юритган бўлиб, уларнинг аксарияти ер остиде жойлашган. Қарақалла термаларида топилган ибодатхона эса уларнинг энг йириги саналади.

Айни пайтда мажмуани қайта тиклаш ишлари давом этмоқда. Мутахассисларнинг фикрича ибодатхонани боғлаб турувчи ер

ости йўллари қайта тиклашга икки йилдан ошқ вақт талаб этилади. Ҳозирча, сайёҳлар ибодатхона марказий зали ҳамда таг қисмига ишланган ноёб мозаикаларни томоша қилиш имконига эга.

2012 ЙИЛИНИНГ ЭНГ САРА БАДИЙ ФИЛМИ

АҚШ кинотанқидчиларининг миллий кенгаши 2012 йилнинг энг сара бадий филмлари рўйхатини эълон қилди. Унга кўра Кэтрин Бигилоунинг халқаро терроризм муаммосига бағишланган «Биринчи рамакли нишон» картинаси йилнинг энг яхши филми сифатида эътироф этилди. Ушбу филм шунингдек «Йилнинг энг яхши режиссёри», «Йилнинг энг яхши актрисаси» (Жессика Честейн) номинацияларида ҳам голиб деб топилди.

«Йилнинг энг яхши актёри» йўналишида биринчи ўринга «Девона муҳаббат» филмидаги ижроси учун Бредли Купер сазовор бўлди. Леонардо Дикаприо («Озод қилинган Жанго» филмидаги ижроси учун) ҳамда Энн Дауд («Экспиримент. Бўйсиниш» филмидаги ижроси учун) каби машҳур актёрлар эса «Иккинчи пландаги энг яхши роль ижрочилари» номинацияси билан кифояланишди.

Тўғри, кинотанқидчиларининг миллий кенгаши томонидан ўтказилган мазкур танлов голиблариға махсус совринлар топширилган йўқ. Сабаби, ушбу лойиҳани ўтказишдан қўзланган асосий мақсад муаллифлик маҳорати юксак бўлган филмларни саралаб олишга қаратилган. Юқори ўринларни қўлга киритган ижодкорлар «Олтин гло-

бус», «Кан», «Оскар» каби нуфузли анжуманларда иштирок этиб, ғалаба қозониш имкониятига эга бўлишди.

РАФАЭЛНИНГ ЯНГИ РЕКОРДИ

Лондоннинг «Sotheby's» аукционини ўтказган сўнгги савдолар барча санъат илосмандларини ҳайратга солди. Бунинг сабаби шун-



даки, Уйғониб даврининг буюк рассоми Рафаэл Санти қаламиға мансуб «Хаворийинг боши» номи асар йигирма тўққиз миллион фунт стерлингга сотилди. Натижада картина оқ қозоғга ишланган энг қиммат сурат сифатида рекорд ўрнатди.

«Хаворийинг боши» XVII асрдан буён Девоншир герцогларининг шахсий коллекциясида сақланиб келинган бўлиб, Рафаэлининг «Ўзгариш» номи сўнгги картинасининг қоралама нусха ҳисобланади. Эътиборли жиҳати, аукцион бошланишидан аввал асар қиймати катта баҳоланмаган эди.

Бироқ кутилмаганда буюк мусаввирнинг ижод намунаси мухлисларда катта қизиқиш уйғотиб, уни харид қилишни истаган коллекционерлар сони ошиб кетди.

Албатта, Рафаэл асарининг янги сохибини аниқлаш осон кечгани йўқ. Узоқ давом этган савдолардан сўнг суратни санъат илосмандларидан бири телефон тармоғи орқали харид қилди. «Sotheby's» аукцион уйи вакиллари ҳозирча унинг исмини ошкор қилаётгани йўқ.


ХИТОЙ КИНОСАНОАТИ ЮКСАЛМОҚДА

Хитой киносааноати яқин йиллар ичида АҚШ киносааноатини ортда қолдириши мумкин. «The Hollywood Reporter» нашрининг хабар беришича 2020 йилга келиб Хитой кинотеатрларга таширф буюрувчи томошабинлар сони бўйича дунёда биринчи ўринга чиқади.

«Ernst & Young» компаниясининг тadbиркорлари шуни кўрсатмоқдаки, Осиё китязсининг ушбу мамлакатда кино санъатининг мухлислари сони мунтазам ошиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу соҳа ривожига хизмат қилаётган асосий омил ҳисобланади. Бундан ташқари, Хитой кино асарларни реклама қилиш борасида Япония ортда қолдириб, дунёдаги етакчи ўринни эгаллади. Бордию тахминлар ўзини оқласа, Пекинин, Шанхай киностудиялари Голливуднинг энг йирик киностудиялари билан беллашиш имконига эга бўлади.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

«ҚОРА РИЦАР» КУРАШГА ТАЙЁР



Кино тарихидаги энг кассабоп филмлардан бири — «Қора рицар 2» картинаси нуфузли совринлардан бириға сазовор бўлиши мумкин. Яқинда «Warner Bros.» кинокомпанияси ушбу асарни расман «Оскар» мукофотиға тавсия этди.

Жаҳон киносида катта шов-шувларга сабаб бўлган «Қора рицар» филмининг биринчи талқини («Қора рицарнинг қайтиши») 2008 йили «Оскар» танловида иштрок этиб, саккиз номинацияда голиб бўлиш учун даъвогарлик қилган эди. Бироқ филм ижодкорлари бош соврин; яъни йилнинг энг яхши филми учун топшириладиган мукофотини қўлга кирита олишмади. Танлов якунларига кўра «Қора рицарнинг қайтиши» да бош роллардан бирини ижро этган Хит Леджер «Энг яхши эркек роли», Ричард Кинг эса «Энг яхши овоз монтажи» учун мукофотланди.


Бу сафар филм ижодкорлари «Энг яхши филм», «Энг яхши эркек роли», «Энг яхши

Етти ранг

Японларда "Агар мақсад табиатдан баҳра олиш бўлса, нима учун узокда боришимиз керак? Табиатнинг ўзини уйғунлашга яқинроқ жойга кўчириб келсак бўлмайми?", деган гап бор. Шу боис кунчиқар мамлакатдаги катта-катта шаҳарларда инсон кўли билан буёқ этилган боғ меъморчилиги манзаралари кўпайиб учрайди.

Хўш, японлар нега бундай йўл тутди, деб ўйлайсиз? Бунинг асосий сабаби — ер юзиде шаҳарлар тобора кенгайиб бораёпти. Маълумотларга қараганда, жаҳон аҳолисининг 51 фоиздан зиёди шаҳарларда яшайди, Син-

Мана, тўрт йилдири, Тошкент архитектура қурилиш институтида "Шаҳар-созлик ва ландшафт меъморчилиги" кафедраси фаолият олиб бораёпти. Боғ меъморчилиги, яъни ландшафт архитектураси йўналишида тахсил олаётган бўлғуси архитекторларнинг дарс жараёни анчайин ўзига хос. Дастлабки курсда геодезия фани чуқур ўтилади. Бундан ташқари, ўз фаолиятлари давомида тупроқшунос, йўл муҳандиси, эколог ва бошқалар мутахассислар билан ёнма-ён ишлаш талаб этилгани боис улар маъмуриятдан хабардор бўлиши шарт. Ландшафт архитекторлари тайёрланаётган янги бўлимнинг ўқув дастурида биология, ботаника ва экология фанлари ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Ик-



доценти Людмила Одилова. — У қисман педагог, психолог ва хатто файласуф ҳам бўлиши керак. Педагог — одамларда гўзаллик ва табиатга тўғри

олиши, ҳам ақлий ривожланиши учун қулай шароит яратишдан иборат. Шунинг учун лойиҳада болаларнинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилувчи воситаларга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозир турар жой ландшафти йўналишида изланиш олиб бораёпман. Келажакда мутахассислигимдан келиб чиқиб, шаҳар ва қишлоқларимиз кўрмага-кўрк бағишлайдиган бинолар қурилишига ўз ҳиссамни қўшсам, менинг лойиҳам асосида гўзал табиий манзаралар яратилса, ўйлайманки, устозларим ишончини оқлаган бўламан.

Инсон доимо табиатга интилиб яшайди. Замонавий шаҳарларда яшашга кўникиб қолганлар ҳам йилда бир марта бўлса-да, табиат кўйида дам олишни истайдилар. Энди уйғунлаш балконида томчилаб сўғориш технологияси ёрдамида турли сабзавотлар етиштириш ёки кўп қаватли уйлар деразаси турли туман гулларга бурканишини бир тасавур қилиб кўриш-а... Ландшафт меъморлари ана шу озуларни рўёбга чиқаришга қодир. Бундай мутахассислар мамлакатимизда тайёрланаётгани эса янада қувонарлидир.

Наргиза УМАРОВА

## ШАМОЛВОЙНИНГ САЁХАТИ

Шамолвой бир кун  
Тоғларга борди.  
Ўх-хў, ҳамма ёқ  
Яшнаб ётарди!

Ана лозазор —  
Бир тўп қиз бола!  
Шовуллаб, пастта  
Чопар шалола.

Сўнгра тоғлардан  
Тушиди пастроққа.  
Дуч келди буида  
Кўм-кўк ўтлоққа.



Учиб ўйнарди  
Капалакчалар.  
Япроқлар хурсанд  
Қарсақлар чалар.

Сўнгра эринмай  
Чўлларга борди.  
Ўх-хў, қумлар зап  
Исиб ётарди!

Охири, чарчаб,  
Ухлади-қолди.  
Бошида тўғрай  
Мусиқа чалди.

Олқор ДАМИН

ди. Янги йилда Нурулла Аббосқоннинг "Боғ" мусикали комедияси асосида спектакл сахналаштириши мақсад қилганман. Унда маҳалла ободлиги мавзусига мурожаат қилиб, замонавий талқиндаги янгиликлар яратиш ниятим бор. Келаятган йилда, шунингдек ёшлар тарбияси, унда маҳалланинг ўрни масаласига бағишланган асар ҳам сахналаштироқчиман.

Умуман, кириб келаятган 2013 йилда театримиз жамоаси томошабинлар учун бир қатор янги спектакллар ҳозирлаган. Айни пайтда таниқли режиссёр Убайдулла Бақоев бошчилигида "Шарбат" номли янги драма устида иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, "Theatre.uz", халқаро театр фестивалига тайёргарлик кўриши алоқачон бошлаб юборганмиз. Бу сафар ушбу нуфузли анжуманда ўз спектаклим билан иштирок этиш ниятидаман.

Нодира МҲМИНОВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
артист

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон киноарбоблари уюшмаси, Ўзбекистон илмий-оммабол ва ҳужжатли филмлар кинотеатрлари жамоаси студиянинг бош муҳаррири, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Шойим Бўтаевага волидан муҳтарамаси

КУМРИ аянинг  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон давлат санъат музейи жамоаси илмий ишлар бўйича директор уринбосари Равшан Фатхуллаевага онаси

НАЗИРА аянинг  
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## ТАБИАТ МЕЪМОРЛАРИ

кинчи босқич талабалари учун пойтахтимиздаги Ботаника боғида ўқув амалиёти ташкил этилган. Бу ерда улар ўсимлик, айниқса, гул ва даракларнинг ўсиш муддати, иқлим шароитига мослашуви, тупроқ таркибига қараб ўсимликларни танлаш сингари боғ меъморчилигининг нозик жиҳатлари билан танишдилар.

— Ландшафт меъмори фақат аниқ ҳисоб-китобларга таянувчи мутахассис эмас, — дейди "Шаҳарсозлик ва ландшафт меъморчилиги" кафедраси



Бошланиши биринчи саҳифада.

Албатта, замонавий ускуналар билан жиҳозланган, барча шароитларга эга театрда ижод қилиш ҳар бир санъаткорнинг орзуси. Бироқ бу маскан ижодкорларга шунчаки сова қилинган йўқ. Театримизнинг очилиш маросимида мамлакатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, театр халқ учун чин маънодаги ибратхона, маънавият маскани бўлиши лозим. Айниқса, Юртбошимизнинг замонавий қаҳрамон образини яратиш борасидаги фикр ва мулоҳазалари хотирада муҳрлини қолган.

Бугун замонавий қаҳрамон образини яратиш режиссёрлик ижодимнинг асосий мақсадларидан бирига айланган. Мен сахналаштираман "Офтоб", "Минг бир кеча", "Умид дарахти" каби спектаклларнинг жанри, воқеалар сюжети турлича бўлгани билан уларни бирлаштириб турувчи умумий хусусият мавжуд. Зеро, ушбу саҳна асарларининг барчасида замонавий қаҳрамон қиёфасини, бу образнинг хислатларини топишга ҳаракат қилганман. Шу сабабли ҳам томошабинлар мазкур спектаклларни катта қизиқиш билан кўтиб олишиди.

Театр азалдан жамият ҳаётининг кўзгуси бўлиб келган. Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудқўжа Бехбудий томонидан айтилган бу фикр ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, замонавий ҳаётимизда учровчи во-

қеаларни ҳаққоний, самимий кечмишларда очиб бериш театр санъати олдига турган асосий вазифага айланган. Мамлакатимизда янги 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши барча соҳа вакиллари қатори театр ижодкорлари зиммасига ҳам катта маъсулият юқлади.

Авалло, Президентимиз Конституцияимизнинг 20 йиллигига бағишлаган

## САҲНА ВА ИЖОД МАСЪУЛИЯТИ

тантанали маросимдаги маърузасида қайд этган устувор вазифаларга эътиборни қаратиш лозим деб ўйлайман. Уларда "Обод турмуш йили"нинг мазмун-моҳияти аниқ ва равшан очиб берилган. Яъни "Обод турмуш йили"да юртимиздаги тинчлик ва оқсоқилликни асраш ва мустаҳкамлаш, фуқаролар ва миллатлар аро ҳамжиҳатликни таъминлаш асосий шартлардан бири сифатида белгиланган. Ушбу масаланинг моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, унинг замирида кўпайиб саҳна асарлари учун асос бўлиши мумкин бўлган гоғлар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Маърузада қайд этилган яна бир муҳим вазифа маҳаллаларни обод қилиш масаласи ҳам диққатга сазовор. Негаки, маҳалласи, яъни ўзи яшаб турган жойи обод бўлмаган инсоннинг ҳаёти ҳам фаровон бўлмай-

## ДУНЁ — КЕНГ... ҚУРБАҚА ЖИГАРИДАН "ДОПИНГ" ЎХУА ОЛИМПИАДА ЖУМБОҚЛАРИ

Биолог олим Максудул Мелман 2009 йили чоп эттирган "Мукамаллик баҳоси" номли китобида қурбақа жигари кучга куч қўшиши, жешен қонини ксилордага тўйинтириши ва ялон сувни юракни энг оғир зўриқишларга ҳам бардошли қилиши ҳақида ёзиб, хитойлик спортчилар халқ табиатининг бу каби сирларидан моҳирона фойдаланаётганига эътиборини қаратган. Муаллиф расмий ҳужжатлар ва гувоҳлар фикрига таянган ҳолда, 1980-1995 йилларда ҳукумат олимпиадаларда қатнашувчи ўз спортчиларига гормонлар ва стероидлар қабул қилишни буюрганини ҳам ёзади.

Лос-Анжелос (1984), Сеул (1988), Барселона (1992) олимпиадалари ўйинларида Хитой терма жамоаси бош шифокори бўлган Чен Жангонинг тасдиқлашича, энг яхши эллик нафар атлетикачи кўп миқдорда "допинг" қабул қилган. Моҳир сузувчиларга хизмат кўрсатган шифокор Сюэ Юнсиан ҳам бу фикрни тасдиқлаб, "сузувчи қизлар қўзғатувчи стимулятор" қабул қилганини, деган. Бу ўринда энг таажубланарли масала шундаки, хитойлик спортчилар Олимпиада олтин медалларини ботмонлаб олаётганига қарамай, камдан-кам ҳолдагина "допинг" қабул қилгани учун фош этилган. Шу йил 28 июл куни — Лондон олимпиадаси бошланишида 16 ёшли Е. Шивэнь аввал ҳамма спортчилар билан баробар сузиб, маррага 50 метр қолганда тусқудан тезлигини ошириб, америкалик моҳир сузувчи Райан Лохтени ҳам ортда қолдирган ҳолда олтин медал соҳибига айлангани шов-шувга сабаб бўлган. У барча айбловларни рад этганига қарамай, тақрорий текширувдан ўтишга изан бермаган.

Сузиш бўйича АҚШ тренерлар ассоциацияси директори Жон Леонард "Гардиан" газетасидаги интервьосида айтганидек, "Спорт тарихини қузатиб айтиш мумкинки, қаердаки бирор янги спортчи ақл бовар қилмайдиган зафарга эришган бўлса, билинги, бунда, албатта, "допинг"нинг улуши бор. 1980 йили ГДРнинг бутун бошли сузиш командаси "допинг"да қўлга тушган. 1994 йили Хиросимиде ўтган Осиё ўйинларида 11 нафар хитойлик спортчининг "допинг"дан фойдалангани фош бўлган, кейинроқ Австралиядеги ўйинларда ҳам тўрт хитойлик сузувчи қонда "допинг" борлиги аниқланган.

1996 йили Атланта олимпиадасида хитойликлар 16 олтин медалга, орадан саккиз йил ўтиб Афинадаги ўйинларда бундан икки баробар кўп олтин медалга эга бўлишди. Шунга қарамай, улар кленбутерол, гормонлар ва хатто америкалик дзюдочи Н.Деллополио каби марихуанадан фойдаланган АҚШ, Россия ва Германия спортчиларидан кўра камроқ "қўлга тушишган". Мутахассислар хитойлик спортчиларнинг бундай ютуқларини турлича баҳолашмоқда. Айримлар олимпиадада спортчиларни тайёрлаш усулларини юқори баҳолашса, бошқалар текширувда сезилмайдиган "допинг" қўллаш сирларидан гап очишади.

Хўш, гап аслида нимада? Хитойнинг ўзида "допинг" билан боғлиқ моҳирларга асабийлик билан муносабатда бўлишади. Пекинлик учта тренердан "АиФ" муҳбири бу борада изоҳ беришни сўраганда дарҳол рад жавобини олди. Сув спорти бўйича Лондон олимпиадаси олтин медали совриндори Е. Шивэнь ҳам муҳбирини тақлифини эътиборсиз қолдирди. Албатта, бу ўринда спортчилар қобилиятини ирсий мутациялар орқали ўзгарирадиган "ген допинг"лари мавжудлиги ҳам сир эмас...

Макаолик собиқ тренер Жозе Ляннинг айтишича, биринчи хитой космонавти Ян Ливэй "Ер билан осмон ўртасидаги тўққиз босқич" номли автобиографик асарига очик иқдор бўлишича, уни коинотга учуришга тайёрлашда анъанавий хитой табиоти воситаларини оқилонга қўллашган. Бўлғуси фазогирларнинг организми қисқа вақт ичида энг оғир шароитларга бардош берадиган қобилиятга эга бўлиши талаб қилинган. Ян Ливэйнинг қулиқ таомларига қийик шохи ва "хэй-вань" ("қора шоҳ"), деб номланган жешен илдизи эритмалари қўшиб берилган. Айни чоғда, бу таомлар орасида аччиқ қалампир қўшиб димланган ит гўшти ҳам бўлган. Гуанси-Чжуан провинцияси итлари гўшти Шимолий Хитойда энг шифобахш ҳисобланади: бундай таом ўта қаттиқ совуқларда одам танасининг тез қизишига ёрдам беради. Бундан ҳулоса шуки, Гонконг ва Макао матбуоти кўпдан буён муҳокама этиб келаятган мавзу — мусобақа олдидан спортчиларнинг хитой табиоти сирларидан фойдаланиши нақд "осиёча допинг" ўрнини босмоқда. Улар кимёвий модда ёхуд гормон эмас. Шунинг учун ҳам чакқонликни оширадиган қурбақа жигари истеъмол этилганини амалда қонни текшириб аниқлаб бўлмайди. Бутунжаҳон антидопинг агентлиги ҳам хитой дори-дармонларига хос бундай унсурлар "қора рўйхат"да йўқлигини тасдиқлайди.

Наҳотки, ўз даврида Халқаро олимпиада кўмитаси собиқ раҳбари Хуан Антонио Самаранч айтганидек, олимпиадалар препаратлар мусобақаси бўлса?! Европа ва Россияда Хитойдан келтирилган табиий дориворлар — илон сувти толиқини баданга суртаётган ёки айик ўтини ичаётганлар устидан "кап-катта эркак ҳам шундай тентақликка борадими", деб қўлишади. Хитой паркларида эса ушу машқлари билан шуғулланаётган одамлар сафини, қолган қалтакесак, тирик чаён ва спиртага солинган илдизлар билан лиқ тўла кўча бозорларини кўрганда бу ерда анъанавий табиёт нечоғли оммавийлик касб этганини тушуниб етасиз. Хитой олимпиада кўмитасида спортчиларни чемпионатларга тайёрлаш доирасида Ян Ливэй услубида "халқона усул"лардан фойдаланилишини тасдиқлашди, ва дарҳол унга изоҳ ҳам беришди: "Терма жамоа олимпиадага жўнаб кетгунча қадар бунга руҳсат этилади. Биз мулаққаб табиий воситалардан фойдаланамиз". Бу табиий воситалар айнан нима? Фарбдаги "қора бозор-лаборатория"ларида гемотрансфузия — спортчиларга қон қўйиш кенг оммалашган. Бунда қизил қон таначалари ксилордага бойи-тилади. Натихада мушаклар янада фолпроқ ишлай бошлайди. Бундай "допинг"ни аниқлаш осон эмас. Фақат америкалик велопоийгачи Тайлер Хэмилтон 2004 йили Афина олимпиадасидан сўнг ўтган мусобақада шу усулдан фойдалангани фош бўлган, холос. Хитойда эса гемотрансфузияни қўллашга ҳоҳат йўқ, йил давомида жешен илдизидан тайёрланган махсус қайнатма ичиб юришнинг ўзи қонни ксилорд билан тўйинтириш учун қодир.

— 1996 йилдан бошлаб хитойлик спортчилар Тибетта "малака оширгани" юбориларди. — дейди австралиялик спорт шарҳловчиси Керри Чэнк. — Бу ўлкадаги маҳаллий монастырларда махсус медитация техникаси ишлаб чиқилган бўлиб, у инсон танасига фавқулодда чидамлик бахш этади. Шу ерлик роҳиблар 30 даража совуқда биргина чойшаб ёпиниб бемалол қор устида ўтиради ва хатто тумов ҳам бўлмайди. Илгари Ташлимупада спортчиларни, худди Е.Шивэнь Лондонда намойиш этганидек, кескин сағнишга ўргатишарди. 2008 йили Тибетда рўй берган тартибсизликдан сўнг бундай "руҳий мураббий"лар вазифаси Синчуан провинциясидаги будда монастырларига кўчди. Улардаги медитация техникаси Шигадэе шаҳридаги "Тэгил мактаби" анъаналарига жуда яқин. Бу ерда дастлаб фарба "допинг" воситаларидан фойдаланилган бўлса, ҳозир хитой табиоти усулларига қайтилмоқда. Муҳими, бу усуллар гормонлар каби спортчилар саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайди. Хитой табиотида хос нина санъиш муолажаси оғриқни қолдирди, илон сувги оғир юрак зўриқишларига чидамликни оширади, оз миқдордаги тирик чаён захридан тайёрланган "энергетик ичимлик"ни ичганда эса, бемалол уч кеча-кундуз ухламасдан юра оласиз. Ўн мингта яқин гиёҳларни эса айтмай қўя қолайлик, уларнинг аксарияти дорихона препаратларидан кучлидир.

"АиФ"нинг 48-49-сонларидан.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ"  
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**O'zbekiston**  
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:  
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Саҳнат бўлими: 236-56-48  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош  
муҳаррир  
Саъдулла  
ҲАКИМ



Тахриратига келган қўғғамалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир — Суянодик МАМИРОВ  
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси босмақонаси.

Босмақона манзили: Ўзбек Турон кўчаси, 41 ўй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 13.06.2007 йил 0283-рақам  
билан рўйхатга олинган. Адади — 4262. Бурутмага Г — 1244. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.  
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КўНАРАИ  
ЧИҚАДИ.  
СОТУВДА НАРХИ  
ЭРКИН

ISSN 2183-614X

9 772183 614000